

## ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ СУДИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНING А Ж Р И М И

201█ йил █ кунни жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг биносиди, кассация инстанциясининг очик суд мажлисида, вилоят судининг судьяси Ф.Ниязовнинг раислигида, судлов хайъати судьялари Х.Бобокулов ва А.Ташевлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси З.Жумаевнинг котиблигида, тарафлардан Қашқадарё вилоят прокуратураси жиний суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш бўлимининг прокурори Ж.Муминов, судланган Т.Сайитнафасовнинг ҳимоячиси адвокат Ж.Бўриевларнинг иштирокида, судланган Т.Сайитнафасовнинг ўзига оид суд ҳукми устидан кассация тартибида берган шикоятини жиноят иши ҳужжатлари билан кўриб чиқиб,

### А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича █ судининг 201█ йил █ даги ҳукмига кўра,

█, 197█ йил █ кунни Қашқадарё вилоятининг █ туманида туғилган, миллати туркман, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, ишламайди, 2-гурӯх ногирони, Қашқадарё вилояти █ тумани “█” МФЙ █ қишлоғида яшаган, ушбу иш бўйича 2014 йил 5 августдан ҳибсда,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “в,и” бандлари билан 15 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2014 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 6-банди “б” кичик бандига асосан ўталмасдан қолган жазо муддати тўртдан бир қисмига қисқартирилган.

Жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарар суммаси бўйича зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик ишлари бўйича судга даъво қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф қилиниб, █ туман прокуратурасининг ашёвий далиллар сақлаш хонасида сақланаётган марҳум Ш.Шукуровнинг эғнида бўлган қора рангли трусиги, кулранг трикоси, аралаш рангдаги матодан тайёрланган енгил кўйлаги, чўнтагидан олинган нос халта, гугурт қутиси, ҳодиса жойидан олинган бир дона одеял, бир дона гилам (палос), бир дона миллий услубдаги гилам марҳумнинг турмуш ўртоғи жабрланувчи Н.Ашуровага қайтариш кўрсатилган.

Судланган Т.Сайитнафасовни эғнида бўлган шими, кўк ва қора рангли футболкаси ҳамда кўк рангли кўйлаги, бир дона “Nokia-2700” русумли қўл телефони унинг турмуш ўртоғи Б.Бозоровага қайтариш кўрсатилган.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнида олинган 3 та ўрамда қон доғлари намунаси ва бир дона дастаси малла рангли тахтадан бўлган ошхона пичоғини йўқ қилиш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Т.Сайитнафасов 2014 йил 2 август куни соат 18:00ларда [REDACTED] шаҳар “ [REDACTED] ” маҳалласи Туркистон кўчаси 21-уй 2-хонадонда яшовчи таниши [REDACTED] нинг уйига ундан олган 20.000 сўм қарзини қайтариб бериш учун келиб, унга ушбу пулни қайтариб бериб, Ш.Шукуровнинг таклифига кўра, унинг уйида олдиндан сақланиб келган бир шиша ароқни ичишиб, ароқ тугаб қолганида, Ш.Шукуров билан бирга, савдо дўконидан яна бир шиша ароқ олиб келиб, уни ҳам биргаликда истеъмол қилишиб, ўтирган вақтида турмуш ўртоғи Д.Бозорова соат 21:00ларда кўнғироқ қилиб, уйга келишини сўраганида, Ш.Шукуров унинг кўлидан “Nokia 2700” русумли телефонини олиб, “Янга шошилманг, Тўра ака мен билан ўтирибди, сиз хавотирланманг, ҳозир боради” деб жавоб бериб, телефонини қайтариб бермаганлигидан аразлаб, Ш.Шукуровдан ўзининг уяли телефонини қайтариб беришини сўраганида, Ш.Шукуров унга телефонини олмаганини айтганида, унга “Сендан бошқа ким олади телефонимни, Шухрат, телефонимни бергин, мен кетайин” деб, ўзаро жанжаллашиб қолиб, тамагирлик ниятида, ароқнинг таъсирида оғир даражада маст бўлган Ш.Шукуровнинг ожиз аҳволдалигидан фойдаланиб, уни ўлдириш мақсадида юз ва бош соҳаларига қўли билан бир неча марта уриб, яшаш уйи дахлизига киришда чап томондаги хонтахта устида турган ошхона пичоғини олиб, Ш.Шукуровнинг ҳаёти учун муҳим ҳисобланган ўнг ва чап томон кўкрак қафасига, қорин чап олди соҳасига ва бўйин соҳасига пичоқ билан бир неча марта санчиб, унга бўйин аъзоларини орқа умуртқа олди соҳаси оралигидан ўтувчи ва ўнг кўкрак қафасига кирувчи, чап томон кўкрак қафасига тешиб кирувчи, чап ўпкасининг кесилиши, қоринини чап олди соҳасидан қорин бўшлиғига тешиб кириб ичаклар тутқичи ва ошқозон тутқичи қон томирларини кесилиши ва ошқозон ости безини кесилиши, калла мия ёпик шикасти, бошини ўнг пешона соҳасида тери ости гематомаси қонталаши ва бошини чап чакка пешона соҳаси юмшоқ мия пардаси юзасида қон йиғилиши, бош миянинг лат ейиши кўринишидаги ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати етказиб, тамагирлик ниятида, айбни оғирлаштирадиган ҳолда қасддан уни воқеа жойида ўлдирган.

Судланган Т.Сайитнафасов шикоятда, суд ҳукмидан норози эканлигини, биринчи инстанцияси суди унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “в,и” бандлари билан жазо тайинлаб хатоликка йўл қўйганлигини, жиноят содир этилишида у кучли стресс ҳолатида бўлганлигини, марҳумни ўлдириш ниятида бўлмаганлигини, олдиндан бир-бирларига адоватлари бўлмаганлигини, жиноят ўзаро жанжал оқибатида келиб чиққанлигини, унга нисбатан жабрланувчининг даъвоси йўқлигини, 2-гуруҳ ногирони эканлигини, қилмишидан пушаймонлигини, тайинланган жазо муддатини учдан бир қисмидан кўпроқ қисмини ўтаб, тайинланган жазо муддатидан тўғри хулоса чиқарганлигини инobatга олишни, унинг жиноий ҳаракатини ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “в,и” бандларидан 104-моддасига қайта квалификация қилиб, жазосини енгиллаштиришни сўраган.

Кассация инстанцияси суди иш бўйича судья А.Ташевнинг маърузасини, прокурор Ж.Муминовнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, кассация шикоятини қаноатлантиришсиз қолдириш ҳақидаги, судланган Т.Сайитнафасовнинг ҳимоячиси адвокат Ж.Бўриевнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги

музокара сўзларини тинглаб, кассация шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга атрофлича муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Судланган Т.Сайитнафасовнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир қилганликдаги айби, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳақидаги баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар, мурдани ташқи томондан кўздан кечириш ҳақидаги ва кийимларни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар, суд тиббиёт экспертизасининг 2014 йил 20 августдаги 130-мурда сонли хулосаси, пичокни таниб олиш учун кўрсатиш ҳақидаги баённома ва унга илова қилинган фотосуратлар, гумон қилинувчи Т.Сайитнафасовни кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ҳақида баённома ва унга илова қилинган фотосуратлар, “Суд-биология экспертизаси”нинг 2014 йил 3 сентябрдаги 611-Р-рақамли хулосаси, “Суд-наркалогия экспертизаси”нинг 2014 йил 12 августдаги 137-рақамли хулосаси, “Судга оид криминалистика экспертизаси”нинг 2014 йил 20 августдаги 164-МК рақамли хулосалари ва унга илова қилинган фотосуратлар, стационар тартибда суд психиатрия экспертизасининг 2014 йил 16 сентябрдаги 380-сонли хулосаси, сўрок баённомалари ва иш бўйича тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ исботини топган.

Биринчи инстанция судининг ҳукмида ифодаланган барча хулосалари асосли, ишнинг ҳақиқий ҳолатига мувофиқ бўлиб, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текширилган жиноий ҳаракатлари тўғри квалификация қилинган.

Кассация инстанция суди, судланган Т.Сайитнафасовнинг биринчи инстанцияси суди унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “в,и” бандлари билан жазо тайинлаб хатоликка йўл қўйганлигини, унинг ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “в,и” бандларидан 104-моддасига қайта квалификация қилиб, жазосини енгиллаштиришни сўраганлиги ҳақидаги важлари билан келишмади.

Жумладан, судланган Т.Сайитнафасов биринчи инстанция судида, ўзига нисбатан қўйилган айбловга иқрорлик билдириб, 2014 йил 2 август куни соат 18:00ларда [REDACTED] тумани Дехқон бозорида олган 20.000 сўм қарзни қайтариб бериш ниятида, ўзига тегишли “ИЖ-Планета-4” русумли мотоциклида уйдан чиқиб таниши [REDACTED] шаҳри “Дўстлик” маҳалласида яшовчи Ш.Шукуровнинг уйига келганлиги, Ш.Шукуровни келиб, 20.000 сўмни қайтариб берганлиги, Ш.Шукуров уйга киришга таклиф қилиб, унинг уйда бир шиша арокни ичишганлиги, бир шиша арокни ичиб бўлиб, 5.000 сўмга Ш.Шукуровнинг уйига яқин “Х.Х.Оқмаматов” маҳалласидаги савдо дўкондан бир шиша арок, бир бакалашка газланган сув ва бир пачка “Палл-Малл” сигарет сотиб олиб келишиб, Ш.Шукуровнинг уйда арокни ичишаётганларида, уйдан турмуш ўртоғи Д.Бозорова қўл телефонига кўнғироқ қилиб, “Қаердасиз, қачон келасиз?” деганида, Ш.Шукуров кўлидан телефонини олиб, “Янга, шошилманг, Тўра ака мен билан ўтирибди, сиз хавотирланманг, ҳозир боради” деб айтганлиги, Ш.Шукуров билан иккинчи шишадаги арокни охиригача ичиб бўлиб, уйга кетишини айтиб, қўл телефонини қайтариб беришини айтганида, Ш.Шукуров “Телефонингизни олганим йўқ” деганлиги, унга “Сендан бошқа ким олади телефонини” деганида, у телефонини бермасдан “Мана уйимни кидиринг, телефонингизни

мен олганим йук, менга тухмат қияпсизми” деб, телефонини топиб бермаганлиги, шунда Ш.Шукуров билан ўзаро жанжаллашиб қолиб, телефонини топиб беришини айтганида, “Тухмат қилманг” деб итариб ташлаганлигини, шунда уни ҳам кўли билан итариб юборганлиги, шунда оёғи билан тепмоқчи бўлганида, орқага қочмоқчи бўлиб ерга йиқилиб тушганлиги, Ш.Шукуров эса оёғининг устига йиқилганлиги, у йиқилганида боши билан деворга урилганлиги, шу вақти чап томонда турган хонтахта устидан дастаси ёғочдан ясалган малла рангли ошхона пичоғини олиб, Ш.Шукуровнинг танасининг турли жойларига бир неча марта пичоқ санчганлиги, Ш.Шукуров ётган жойида хириллаб қолганлиги, Ш.Шукуровга пичоқ тикқанида ёнида ва атрофда ҳеч ким бўлмаганлигини, марҳум билан олдиндан бир-бирларига адоват бўлмаганлигини, у ҳам спиртли ичимлик ичганлигини, лекин ўзини ҳолатини яхши билганлигини, бўлган ишлардан пушаймонлигини, оилавий шароитини, ёшини ҳисобга олиб, енгиллик беришни сўраган.

Жабрланувчининг қонуний вакили Н.Ашурова биринчи инстанция судида, марҳум [REDACTED] унинг турмуш ўртоғи бўлганлиги, у билан 2009 йил 4 май куни қонуний никоҳдан ўтиб, [REDACTED] шахри “[REDACTED]” маҳалласи [REDACTED] кўчаси 21-2-уйда яшаб келишганлиги, турмуши давомида [REDACTED] исмли фарзанди дунёга келганлиги, турмуш ўртоғи Ш.Шукуров ҳаётлиги чоғида бирон жойда ишламаганлиги, кўчаларда янтоқ чопиб, ушбу янтоқларни сотиб, пул топганлиги, ўзи “Муборак ГҚИЗ”да ишлаганлиги, заводда навбатчилик сменасида қолиб ишлаган вақтида фарзандини онасининг уйида қолдирганлиги, 2014 йил 2 август куни эрталаб бозорга бориб, тухум ва нон сотиб олиб келганлиги, соат 12:00ларгача уй ишларини қилиб, турмуш ўртоғи билан кўчага чиқиб уйи дарвозаси олдидан ўтган темир йўлнинг атрофларида янтоқларни чопишганлиги, шундан сўнг 3 август куни эрталаб заводга ишга кетиши учун онасининг уйига фарзандини қолдириш учун кетганлиги, шу куни онасининг уйида ётиб қолганлиги, 3 август куни эрталаб тонгда соат 6:30ларда онасининг уйдан чиқиб автобусда ишга кетганлиги, шу куни кеч соат 20:00ларда бирга ишлайдиган смена мастери келиб, туман ИИБдан кимдир телефон қилиб, турмуш ўртоғи Ш.Шукуров ким биландир жанжалашиб қолганлигини айтганлиги, уйига келганида турмуш ўртоғи Ш.Шукуровни Т.Сайитнафасов пичоқлаб ўлдириб қўйганлигини билганлиги, илгари бирон марта Т.Сайитнафасовнинг уйига меҳмон бўлиб келганини кўрмаганлиги, Т.Сайитнафасовга қилган ҳаракатлари учун қонун доирасида чора кўришни сўраб кўрсатув берган.

Суд тиббиёт экспертизасининг 2014 йил 20 августдаги 130-мурда сонли хулосасида, марҳум Ш.Шукуровнинг мурдасидан олинган қон суд-кимё текширувидан ўтказилганида, қонда 3 промилле миқдорда этил спирти борлиги аниқланганлиги, бу миқдор тирик шахсларга нисбатан олганда оғир (кучли) даражали мастлик ҳолати деб баҳоланиши кўрсатилган.

Биринчи инстанцияси суди Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорда шахсни ожиз аҳвол, деб жабрланувчининг физиологик, жисмоний ёки руҳий жиҳатдан (жисмоний нуқсонлари, руҳияти бузилганлиги, жуда ёш ёки кексалиги, қаттиқ оғриқ ёки беҳуш ҳолатда ёхуд уйқуда бўлганлиги, алкоголь, гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп модда таъсирида оғир даражада мастлиги туфайли) ўзини ҳимоя қилишга, айбдорга фаол қаршилик кўрсатишга қодир эмаслик жабрланувчи

ожиз аҳволда деб баҳоланиши ҳақида берилган тушунтиришларига ҳамда амалдаги қонун талабларига риоя қилиб, дастлабки терговда аниқланган ҳолатларга, яъни жиноят содир этилиши шарт-шароитлари, сабаблари, Т.Сайитнафасовнинг амалга оширган жиноий ҳаракатини инобатга олиб, иш бўйича тўпланган барча далилларни тегишли тартибда баҳолаб, ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “в,и” бандлари билан тўғри квалификация қилган, тергов органи Т.Сайитнафасовнинг ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж” банди билан нотўғри квалификация қилганлиги сабабли унинг айб зиммасидан ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж” бандини чиқариш тўғрисида асосли хулосага келган.

Ишдаги аниқланган ҳолатларга кўра, судланган Т.Сайитнафасов жабрланувчи Ш.Шукуровни тамагирлик ниятида, арокнинг таъсирида оғир даражада маст бўлган Ш.Шукуровнинг ожиз аҳволдалигидан фойдаланиб, уни ўлдириш мақсадида юз ва бош соҳаларига кўли билан бир неча марта уриб, яшаш уйи даҳлизига киришда чап томондаги хонтахта устида турган ошхона пичоғини олиб, Ш.Шукуровнинг ҳаёти учун муҳим ҳисобланган ўнг ва чап томон кўкрак қафасига, қорин чап олди соҳасига ва бўйин соҳасига пичок билан бир неча марта санчиб ўлдирган.

Биринчи инстанция суди судланган Т.Сайитнафасовга жазо тайинлашда, қилмишнинг сабабини, ишдаги барча енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, Жиноят кодексининг қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорида берилган тушунтиришларини инобатга олиб, унинг шахсини, оилавий аҳволини, муқаддам судланмаганлигини, жабрланувчининг қонуний вакилининг даъвоси борлигини, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, унга ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “в,и” бандларига асосан жазо санкциясида назарда тутилган асосли ва қонуний озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаган.

Бундай ҳолатда, шикоятдаги важларни асосли деб бўлмайд.

Шу сабабли кассация инстанция суди суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантиришсиз қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 490, 496, 509-моддаларига асосан кассация инстанцияси суди

### **А Ж Р И М Қ И Л Д И:**

Жиноят ишлари бўйича [ ] судининг 201 [ ] йил [ ] даги [ ] га нисбатан чиқарган ҳукми ўзгаришсиз, кассация шикояти қаноатлантиришсиз қолдирилсин.

**Раислик қилувчи:**

**Ф.Ниязов**

**Ҳайъат судьялари:**

**Х.Бобоқулов**

**А.Ташев**